

ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМНИНГ АСОСИЙ ШАКИЛЛАРИ

**Абдирайимова Зарифа Рахматиллаевна**

*Зарафшон шаҳар 2-умумий ўрта таълим мактаби*

*бошланғич синф ўқитувчиси*

Бугунги тезкор замонда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – машғулотларни интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш, деб қаралмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай шакллари бор. Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлайди? Қуйида ана шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Юқоридаги саволларга жавоб топишда дастлабки энг тўғри қадам таянч тушунча – «интерфаол» атамасининг луғавий маъноси билан танишишдир

«Интерфаол» тушунчаси инглиз тилидаги «interact»(рус тилида «интерактив») сўздан олинган бўлиб, луғавий нуқтаи назардан «inter» – ўзаро, икки тарафлама, «act» – ҳаракат қилмоқ, иш кўрмоқ каби маъноларни англатади.

Интерфаол таълим – таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим

Интерфаоллик – таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликлари

Мантикий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди. Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбат (диалог)га асосланган ва бу суҳбат қуйидаги ўзаро муносабатлар шаклларида ташкил этилади:



Интерфаол таълим, ўз моҳиятига кўра, суҳбатнинг «ўқувчи (тингловчи ва курсант) – ахборот-коммуникацион технологиялар» шаклида ташкил этилиши ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакалар ўзлаштирилишини англатади. Ўқитишнинг интерфаол таълимга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда ва ҳатто «болалар ўйини» каби таассурот уйғотади. Бироқ, бунда ўқитувчининг маълум даражада қуйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинад

Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол методларни қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан қўйиладиган талабларга бўйсунуш хоҳишига эгаликлари ўқувчиларнинг дарсга масъулият билан ёндашишлари, бурчларини англай олишлари. Иккиламчи омиллар ўқувчиларнинг дарсга психологик тайёрликлари ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ўқувчиларнинг муайян даражада ҳаётий тажрибаларга эгаликлари ўқувчиларнинг тенгдошлари ва ўқитувчи билан ҳамкорлик қилишга мойилликлари.

Асосий омиллар иш тажрибаси методик малака таянч педагогик-психологик билимлар ташкилотчилик қобилияти дидактик воситалар (ахборот, тарқатма материаллар, дарс жиҳозлари)га эга бўлиш ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ишонч ва ҳурматга асосланиши ўқувчи ва ўқувчилар



гурухининг ўзаро ҳамкорликка эриша олиши таълим жараёнида демократик  
гояларнинг устувор ўрин тутиши ахборотларни тақдим этишда хилма-хил метод,  
воситаларнинг самарали, ўринли, мақсадга мувофиқ ва ўзаро мосликда қўллашга  
эришиш 8 йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш,  
йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали ҳолис баҳолаш  
имкониятини қўлга киритади.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Букатов В.М. Педагогические таинства дидактических игр. – М., 2003. – 152
2. Панина Т. С., Вавилова Л.Н. Современные способы активизации обучения:  
Учебное пособие. – М., 2008. – 176 с.
3. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии. Активное  
обучение: Учебное пособие. – М., 2009. – 192 с.
4. Психолого-педагогическое сопровождение реализации инновационных  
образовательных программ / Под ред. Ю.П.Зинченко, И.А.Володарской. – М., 2007. –  
120 с.
5. Таълимни ташкил этишда замонавий интерфаол методлар: Ўқув-услубий  
тавсиялар / Ў. Х. Мухамедов, М. Ҳ. Усмонбоева, С. С. Рустамов. – Т.: Ўзбекистон  
Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 45 б.